1299

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

**Кимки кишилар орасида мансабга лойиқроқ, худо рози бўладиганроқ одам туриб, бошқасини сайласа — Аллоҳга, расулига ва барча мўминларга хиёнат қилибди.**

*(Ҳадисдан).*

2000 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 27 ноябрь, шанба • № 141 (25.536).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

## Олий Мажлисда учрашув

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Италия Республикаси мудофаа вазири Карло Сконьямильо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов билан учрашди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, дунё хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган халқаро террорчилик, диний экстремизм ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашди. Бундай иллатларга қарши биргаликда курашиш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, мудофаани такомиллаштириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида олий қонун чиқарувчи орган фаолиятининг ўрни катта экани таъкидланди.

Италиялик меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Қуролли кучлар академияси ва бошқа муассасаларга ҳам ташриф буюрди.

Пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Италия Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида Мудофаа соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

*(ЎзА)*

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеа — Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайлов тобора яқинлашиб келмоқда. Шу боис, Жиззах вилоятининг Бахмал туманида ҳам бўлғуси сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Туманда 47 мингга яқин сайловчи ўзларига мақбул номзодлар учун овоз берадилар. Сайлов ўтказиш учун зарур бўлган барча адабиётлар, шунингдек, депутатликка номзодлар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи манбалар мавжуд.***

**Суратда: (чапдан) сайлов комиссияси раиси Пўлат Ҳайдаров, тарғиботчилар Ботир Турсунов ва сайловчилар Дониёр Бекназаров ҳамда Мавлуда Мирсаидова.**

*Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

*Сайлов ва сайловчи*

## Фаол иштирок этамиз

Сайлов ҳар бир мамлакатда демократия қай даражада амал қилинишини кўрсатувчи, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими жаҳонда эътироф этилган демократик сайлов тамойилларига амал қилган ҳолда, ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини акс эттира оладиган даражада намоён бўлмоқда.

Сайловлар тўғрисидаги қонун, сайловнинг энг муҳим хислати — танлаш ҳуқуқини таъминлашни кўзда тутиб, сайловлар муқобиллик асосида ўтишига имконият яратган экан, эндиги вазифа шу имкониятдан тўғри фойдаланишдир.

Эндиги вазифа —сайловолди йиғилишларда фаол иштирок этиб, халқимизнинг, юртимизнинг энг ишончли, энг ибратли, энг ташаббускор, жонкуяр вакилларини сайлашдан иборатдир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг барча фуқаролари қатори бизнинг тўқимачилик ва енгил саноат институтимиз жамоаси ҳам бу сайловларда фаол иштирок этади.

***Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,***
***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори***

## Ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Австрия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Бенита Ферроро-Вальднер бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ташриф буюрди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бораётган бўлса-да, бу ҳамкорликнинг кўлами имкониятлар даражасида эмаслиги таъкидланди. Ҳозир Ўзбекистонда Австриянинг саноқли фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Ваҳоланки, юртимизда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар ва мамлакатимизнинг кенг имкониятлари бундай фирмалар сонини янада кўпайтириш учун пухта заминдир. Суҳбат чоғида бу фикр бир неча бор алоҳида таъкидланди.

Учрашувда ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

*(ЎзА)*

## Фаоллик оширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамда «Марказий Осиё оммавий ахборот воситаларида аёллар» марказининг ўзбек филиали билан ҳамкорликдаги «Диспут-клуб» йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуман «Таълим ислоҳотлари: тараққиёт истиқболлари» мавзуига бағишланди. Унда «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Ҳалим Саидовнинг, «Диспут-клуб» лойиҳа директори Екатерина Хлоповскихнинг, ТошДУ журналистика факультети декан ўринбосари Ирода Исмоилова ва бошқа иштирокчиларнинг миллий кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларини ёритишда ўз фикр-мулоҳазалари тингланди. Шундан сўнг Диспут иштирокчилари икки гуруҳга бўлиниб, таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқдилар.

***Бахтиёр ЖУМАНОВ***

## Ёшлар тарбиясига бағишланди

Мамлакатимизда ёшларни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга меҳр, садоқат туйғусини уйғотиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан. Тошкентда «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган «Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими (ҳолат ва истиқбол)» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Фан ва техника ҳамда Диний қўмита раҳбарлари ва етакчи олимлар иштирок этди. Улар ёшлар муаммолари бўйича маъруза қилиб иштирокчиларнинг турли саволларига жавоб беришди.

***Бобомурод РАЙИМОВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

## Яхшилари кўпдир бу элнинг

Савоб ишни ҳар куни ва ҳар ким қилиши керак. Халқимиз азалдан кўнгли ярим инсоннинг бошини силаган. Бу муқаддас анъана янги тараққиёт йўлига чиқиб олган мустақил Ўзбекистон сиёсатининг ҳам муҳим мезонларидан бири бўлиб қолмоқда. Буни анъанавий «Меҳржон» байрамлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқаро ногиронлар кунига бағишланиб ўтказилаётган бу байрам ўзбек халқининг олийжаноб фазилатларини янгича кўринишда давом эттирмоқда. Жорий йилнинг 3 декабрида «Меҳржон — 99» хайрия марафони бўлиб ўтади. Инсоний туйғулар ўксик кўнгилларни муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида бирлаштиради. Жаҳон ва ўзбек эстрада юлдузлари иштирок этиши кутилаётган хайрия марафонида 1500 нафар ногирон болалар иштирок этади. Ҳозирги кунда тадбирга сўнгги тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Қарийб 100 миллион сўмлик маблағ болалар кўнгилларини тўлдириш йўлида сарфланади.

***Шуҳрат ОРИФ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***

## Оқимлар турли, моҳият бир хил

### Терроризм ҳақида айрим мулоҳазалар

Бу кўҳна дунё ўз кечмиши давомида сон-саноқсиз воқеалару ҳодисаларга гувоҳ бўлган. Халқимиз ўтмиши ана шу жараёнлар силсиласи билан узвий равишда боғланган бўлиб, унинг тараққиёт шажараси айни шу заминдан озуқа олган. Агар юртимизнинг шонли тарихида рўй берган, олтин ҳарфлар билан битгулик барча мўътабар саналар солномаси тузиладиган бўлса, шубҳасиз, бу рўйхат аввалида саккиз йил бурун қўлга киритилган мустақиллик туради. Озодликка эришиб, биз ўз эркимизга, ўз давлатимизга, энг муҳими ўзимизга ўзимиз эга бўлдик. Ҳур Ватан бағрида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз тикланди. Аждодлари ақл-заковати дунёни лол қолдирган ўзбекнинг номи билан аталувчи давлат барпо этилди. У бугун шиддат билан ривожланиб, жаҳонда муносиб обрўга эга бўлмоқда. Ана шу боис мустақиллигимиз ижодкори ва ташаббускори бўлган юртбошимиз Ислом Каримов Истиқлол байрамини энг улуғ, энг азиз байрам деб атадилар.

Халқимиз ўз хоҳиш-иродаси билан танлаган истиқлол йўли бир неча минг йиллик ҳаёт давомида шаклланган ўзига хослигимизни, миллат қиёфаси, шаъни, миллий ҳис-туйғу ва инсоний қадриятга боғлиқ бўлган буюк ва бебаҳо неъматни қайтариб берди. Бироқ, уни ҳар ким ҳар хил тушунди. Ҳар ким ўзича қабул қилди. Истиқлолни миллий қадрият ва шахсий орият деб билганлар ҳам, уни инкор этадиганлар ҳам бўлди. Ана шу буюк неъматга шак келтириб, бутун бир эл шукроналик айтаётган улкан тарихий ҳодисага тан бергиси келмаётган савдойи ғаламисларнинг башарасини сўнгги воқеалар аниқ-тиниқ кўрсатди. Минг афсуски, улар шу мўътабар тупроқда кindик қони тўкилган, она алласини тинглаб, шу муқаддас заминимиз сувларини симириб катта бўлишган экан. Энди эса ўзини дунёга келтирган, боқиб катта қилган она-Ватани — волидаи муҳтарамасининг оғирини енгил қилиш, фарзандлик бурчини бажариш ўрнига унинг бағрини қонга белаш, танасига пичоқ уришдек манфур ниятда дарбадар изғиб юришибди.

Маълумки, жаҳолат илгари сурган ҳар қандай ғоя (агар уни ғоя деб бўлса) хомхаёлдир ва у албатта инқирозга маҳкумдир. Аросатдан бўлак макони бўлмаган бу балонинг аслида миллати ҳам йўқ. Лекин, унинг замирида қандай ўйинлар бўлаётгани бугун беш қўлдай аён. Аммо, ана шу ўйинда таъбир жоиз бўлса, оддий қўғирчоқ ролини бажараётганини бу ватангадолар наҳот англамасалар? Бу жўн ҳақиқатни тушуниб етиш шунчалар қийинмикин? Наҳот ваҳҳобийлик оқимида қаёққа оқаётганини ўзи ҳам билмаган бу гумроҳлар кимларнингдир шахсий ҳузур-ҳаловати, ҳокимиятни эгаллаш мақсади йўлида умрини беҳуда хазон қилаётганини, қон тўкаётганини, тўкканда ҳам Оллоҳ берган умрини осуда яшаб, бола-чақаси, оиласи, элюрти фаровонлиги йўлида тинчгина меҳнати орқали барака кўраётган туғишган иниси, ҳаммаҳалла, ҳамқишлоғи қонини тўкаётганини билмаса?

Жаҳолатнинг миллати йўқ дедик. Гоҳ-гоҳида бош кўтариб турадиган бу ўлат бугун ўз ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ диний экстремистик ниқобни кийди. Афсуски, у турли даврларда турли шаклга кириб, турли оқимлар кўринишида дунёга келди ва яшади. Улардан энг ашаддийси ваҳҳобийликдир. Бугун ваҳҳобийлик оқимига қоришиб кетган халқаро терроризм аср бошидаги большевизм, ундан кейинги фашизмнинг айнан ўзгинасидир. Яъни, оқимлар турли хил, моҳият эса бир хил.

Эътибор беринг. Большевизмнинг қонли дасти билан миллатимизни эркка, озодликка чорлаган тараққийпарвар жадид боболаримиз, фидойи зиёлиларимиз қатли ом қилинган бўлса, телба фашизм офати ер юзини қирғин майдонига айлантириб, кўплаб мамлакатларни олов ичида ёндирди, миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Миллионлаб кишилар оиласи, бола-чақасидан айрилиб, хонавайрон бўлиб қолдилар. Бугун эса ваҳҳобийликнинг ана шу тахлит қонли изларини дунёнинг турли бурчакларида яққол кўриб турибмиз. Кўп узоққа бормай унинг Афғонистон, Боткен, Чеченистон, Доғистон ва Россиянинг бошқа ҳудудларида оддий одамларнинг бошига солган мусибатини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а!

Бильакс, Оллоҳга саждa қилиб, ундан раҳмат тилаб юрган, ўзини ҳақиқий мусулмон санаган одамнинг кўп қаватли уй ёки маъмурий бино тагига ўғринча писиб бориб портловчи модда қўйиб кетиши қайси амалга тўғри келади? Ушбу беҳуда хазон қилаётганини, қон тўкаётганини, тўкканда ҳам Оллоҳ берган умрини осуда яшаб, бола-чақаси, оиласи, элюрти фаровонлиги йўлида тинчгина меҳнати орқали барака кўраётган туғишган иниси, ҳаммаҳалла, ҳамқишлоғи қонини тўкаётганини билмаса? Бу жўн ҳақиқатни тушуниб етиш шунчалар қийинмикин? Наҳот ваҳҳобийлик оқимида қаёққа оқаётганини ўзи ҳам билмаган бу гумроҳлар кимларнингдир шахсий ҳузур-ҳаловати, ҳокимиятни эгаллаш мақсади йўлида умрини зазҳри қотилнинг портлаши оқибатида бурда-бурда бўлган одамлар, айниқса гўдаклар, аёллар, кексаларнинг тана аъзоларига хотиржам боқиб бўладими, ўзи? Ёхуд бахтли тасодиф туфайлигина омон қолгану уйи ер билан яксон бўлиб, яқинларини йўқотган мутлақо бегуноҳ жабрдийдаларнинг аламли фарёдлари, аччиқ кўз ёшларига инсон зоти дош бераоладими?

Шундай мудҳиш воқеаларни кўргандан сўнг бу қандай оқим, қандай ҳақиқат ўзи деган аламли саволлар барчани бирдай қийнаши табиий?

Бу большевизм, фашизм ва бошқа турдаги жаҳолатнинг диний экстремизм, биз сўз юритаётган ваҳҳобийлик тарзидаги ваҳшиёна кўринишидир. Бошқача айтсак, энди жаҳолат коммунистик ёки фашистик ниқобини ташлаб, диний ғилофга ўралган экстремистик қилични қўлга олди. Бир юмалаб бир турдан иккинчи турга айланди. Лекин уларнинг ҳаммасининг ташналиги, истеъмол иштиёқи, нафси қон, қон, қон дейди. Қолган гаплар бир чўпчак, холос.

Большевиклар ҳам, фашистлар ҳам, ваҳҳобийлар ҳам қандай олижаноб мақсадлар билан ўз ҳаракатларини пардалашмасин, унинг замирида фақат ва фақат инсон ҳаётига зомин бўлиш, қон тўкиш ётади. Энг даҳшатлиси, улар дунёга ҳукмронлик қилишнинг, мансабга минишнинг, бойлик орттиришнинг бирдан-бир йўли шу деб билишади.

Маълумки, Қуръони Каримда халифаликни ўрнатсанг, исломий давлат қурсанг жаннатга тушасан деган гап йўқ. Саҳиҳ ҳадислардан ҳам бундай талқинни топа олмайсиз. Қайтанга одам ўлдириш, қон тўкиш энг катта гуноҳ эканлиги зикр қилинган. Наинки, одам ўлдириш, бировга беҳуда озор етказиш, кўнглини ўкситиш қаттиқ қораланиб, густоҳлик ҳисобланади.

Одамни беҳад таажжубга соладиган яна бир гап. Бугун «халифаи замон» бўлиш ишқида юрган босқинчилар гуруҳининг бошлиғи ўзига Намангоний деб «тахаллус» қўйибди. Ё тавба! Бу сўқир жиноятчи қандай каромат кўрсатибдики, бутун бир элнинг, юртнинг номини ўзига нисбат бериб, ўзлаштириб олса. Табиий савол туғилади: ўзини Намангоний деб аташга ким ҳуқуқ берди унга? Агар у оламшумул бир кашфиёт қилган ёки бирор асар яратиб эл ҳурматини қозонган бўлса, ўша эл вакили сифатида шундай тахаллус олса ярашар. Лекин, ашаддий қонхўр, ватангадо, қариндош-уруғлари, миллати, халқи юз ўгирган жиноятчи, киндик қони томган, ота-онаси, туғишган инилари яшаётган юртга қурол ўқталаётган хунрезнинг бунга заррача маънавий ҳаққи йўқ.

Мамлакатимиз раҳбари «Время МН» газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда дин илмидан бизга дарс ўқитмоқчи бўлган сохта «алломалар»нинг даъволарига жуда катта мантиқ ва асосли далиллар билан аниқ жавоб беради:

«Айтингчи, дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга келган, лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган? Ҳамма исмларни зикр этиб ўтмайман, мисол учун Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (Саллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг. Ҳозирда унинг мақбараси қаерда? Самарқандда! Ал-Бухорийни бундай чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсидан неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди? Мен яна ўнлаб исмларни айтиб ўтишим мумкин! Ўзбекистон ҳукумати динимиздан бутун ўзбек халқи бахраманд бўлиши учун бор куч-ғайратини сарфламоқда».

Ялтироқ қўнғизни чўғ билиб, ўз тутган йўлини тўғри ҳисоблаб, ваҳший хатти-ҳаракати билан қанчалаб одамлар умрига зомин бўлаётган диний экстремистларнинг, аниқроғи динга путур етказаётган, динни емираётганларнинг (уларни бошқача аташ мумкин эмас) башараси бизга кундай равшан. Бугун уруш билан, қирғин-барот билан ҳеч кимни бўйсундириб ҳам, синдириб ҳам бўлмайди. Юртбошимиз «Куч — билим ва тафаккурда» деган ғояни илгари сурар эканлар, айни тафаккур билан оламни ҳам, одамни ҳам забт этиш ҳақиқат эканлигини кўрсатиб бердилар. Ақл-заковат, юксак тафаккур, билимга интилиш эса халқимизнинг олий фазилати, ўзига хос сифати бўлиб келган.

Хулоса шуки, жаҳолатнинг қиёфаси, шакли ё ҳаракат услуби ўзгариши мумкин. Бироқ, унинг моҳияти, асл башараси ҳеч қачон ўзгармайди. Айни дамда йигирма биринчи аср остонасида турган, ўз ўтмишида аччиқ тажриба тўплаган инсоният бу ҳақиқатни жуда яхши англаб етди ва ҳар қандай балоқазонинг илдиз отиб кетишига шубҳасизки, энди йўл қўймайди.

***Лазиз ТАНГРИЕВ***

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси шовинизм ва миллатчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний ва ғоявий экстремизм, халқаро терроризмни қоралайди ва қатъиян рад этади.**

*(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)*

### БОЙЖОНОВ Ибадулла Самандарович

*203-Ал-Хоразмий сайлов округи*

Ибадулла 1982 йилда Киев қурувчи муҳандислар институти аспирантурасини тугаллаб, номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўшанда архитектура фанлари номзоди илмий даражасини олганида ҳамкасблари унга ҳавас қилишган. Ахир ушбу соҳада вилоятда биринчи номзодликни у ёқлаганди-да. Ҳозир ҳам у Хоразмнинг архитектурадаги биринчи ва ягона олими саналади. Бойжонов докторлик ишини ёқлаш арафасида. Яна-да эътиборлиси, у республикамизда шундай илмий даража олган бешинчи киши бўлади.

Иш фаолиятини 1963 йилда — оддий ишчиликдан бошлаган Ибадулла ака ўн беш йил Урганч шаҳрининг бош архитектори бўлиб ишлади. Ана шу йилларда шаҳар қайтадан қад ростлади, замонавийлашди, эски тор кўчалар ўрнига обод, шинам кўчалар, боғлар, истироҳат масканлари, янгитдан аҳоли яшаш мавзелари қурилди.

И. Бойжонов салкам ўн икки йилдан буён Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори вазифасида ишлаб келмоқда. Ўқув маскани собиқ иттифоқда биринчилардан бўлиб коллеж мақомини олгани сабаби ҳам директорнинг ишчанлиги, ишга янгича, илмий ёндошиши, ўқув-таълимни амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришга интилиши ва бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратиб бера олишдадир. Ҳозирда Ибадулла ака раҳбарлик қилаётган жамоа вазирлик томонидан намунали даргоҳ сифатида тан олинган. Бу ерга турли вилоятлардан вакиллик келишиб, ўқитиш, иш ўргатиш жараёни билан танишиб кетадилар. Ўқувхоналари компьютерлаштирилган, ўқув машғулотларига бағишланган телекўрсатувлар берилади. Талабалар ўқиш билан бирга яхши дам олиш имконига ҳам эгалар.

Ибадулла ака жамоат ишларида фаол.

### БАБАЕВ Жумабой

*212-Питнак сайлов округи*

1945 йилда Хазорасп туманидаги «Карвак» қишлоғида туғилган. 1961-64 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти толиби. Сўнгра ҳарбий хизмат. 1969 йилдан бошлаб янгитдан ташкил қилинган «Туямўйинсув қурилиш» трестига қарашли Питнак қурилиш-монтаж бошқармасида прораб, бўлим бошлиғи, бош муҳандис, бошқарма бошлиғи, трест бошқармаси бошлиғи ўринбосари. Демак, Жумабой акани ҳеч иккиланмасдан сув омбори қурилишининг фидоий жангчиси, командирларидан бири деб аташ мумкин. Ўрта Осиёдаги энг улкан сув омбори Жумабой аканинг кўз ўнгида бунёд бўлди. У ана шу оби ҳаёт масканига ақалли бир ғишт қўйганидан хурсанд.

Жумабой ака ўн тўрт йил бўлдики, 20-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори вазифасида ишлаб келмоқда. Дирекция буюртмаси билан 312 гектар ер ўзлаштирилди. 1200 гектарга яқин экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ер ости сувлари нисбатан юқори бўлган воҳада бу ишларнинг ҳақиқий баҳосини деҳқонлар яхши биладилар. Ўтган ўн ойда 340 миллион сўмлик иш бажарилди.

Деҳқон учун яхши, ҳосилдор ер нималигини, сувнинг ҳар томчиси қадрини биладиган, деҳқонга мададкорликни умр мазмунига айлантирган Жумабой аканинг сайловолди дастурида «Оролбўйи ерларида мелиоратив ҳолатни яхшилаш», «Аҳоли турар жойлари ва ерларнинг экологик ҳолатини мўътадиллаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш» каби жумлаларни ўқиб, эшитиб, номзоднинг келажакда ҳам воҳа деҳқонига, мададкор, ғамхўр бўлишни кундалик вазифасига айлантирганини англаб етдим.

### ДУСЧАНОВ Бахтиёр Аллаберганович

*204-Абулғози Баходирхон сайлов округи*

Йигирма тўрт ёшида Тошкент давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетини тугатган Бахтиёр Дусчанов умрини халқ соғлигини сақлашдек хайрли ишга бағишлаб келаётган инсонлардан. У вилоят соғлиқни сақлаш тармоқларида раҳбар лавозимларда муваффақиятли фаолият кўрсатди, бир неча йил вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасида хизмат қилди. Мана икки йилга яқинки 1-Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали директори вазифасида воҳада малакали мутахассислар тайёрлашга муносиб улушини қўшмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, профессор даражасига етиб, юз йигирмадан ортиқ илмий мақолалари, иккита ўқув қўлланмаси ва битта монографияси чоп қилинган.

«Талабаларимиз сони тўққиз юз нафардан ошиқ, — дейди профессор Бахтиёр Дусчанов. — Орол денгизи туфайли юзага келган оғир экологик вазият воҳада турли хасталиклар кўпайишига сабаб бўлди. Мен ҳар доим талабаларга сабоқ берарканман, «Бизнинг бирламчи вазифамиз касални даволаш эмас, балки унинг олдини олишдан иборатдир» деб ўқтираман ва бу мақсадни кўп сонли педагогларимиз олдига ҳам қўяман».

Дусчанов яхши суҳбатдош. Ўз фикрини бошқаларга тез етказа олади. Ўргатиб толмайди, ишлаб чарчамайди. Айни пайтда ўзи ҳам ўрганишдан бир дақиқа бўшамайди.

Бахтиёр аканинг севган кунлари — одатдаги иш вақтлари.

...Директор қабулидан хурсанд чиқаётган деҳқон кишининг тўлқинланиб айтганларига гувоҳ бўлганман: «Бизлар далада юрган одам, «профессор» деганда осмондаги кишини тасаввур қилардик. Профессор Дусчанов ўзимизга ўхшаган одамшинаванда, соф кўнгилли, аммо-лекин идроки поён билмас киши экан...»

### РУЗМЕТОВ Арслон Гоипович

*208-Гурлан сайлов округи*

Арслон Рузметов меҳнат фаолиятини 1968 йили фуқаро авиациясида оддий учувчиликдан бошлаган. Бугунги кунда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори.

1977 йилда Ленинград фуқаро авиацияси академиясини битирган. Етти турдаги ҳаво кемасида парвозларни ўзлаштирган: «Ан-2», «Як-40», «Ил-62», «Ил-76», «А-310», «Боинг-767», «Боинг-757».

Унинг ташкилотчилик қобилияти туфайли миллий авиакомпания авиахизматлар бозорида жаҳон миқёсига чиқди. МАК иштироки билан ҳаво алоқалари тўғрисида 37 тага яқин битим имзоланган. Бугунги кунда авиакомпания томонидан Америка, Европа ва Осиёнинг 20 дан ортиқ давлатларига, шунингдек, МДҲнинг 30 дан ортиқ шаҳарларига мунтазам йўловчилар, чартер ва юк ташиш рейслари бажарилмоқда. Тошкент ва Самарқанд ҳаво бандаргоҳлари Халқаро аэропортлар ассоциациясининг аъзолари ҳисобланади.

Унинг фаол иштирокида Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортлари қайта таъмирланди. Парвозлар хавфсизлигини ошириш ва ҳаво кемалари ҳаракати сонини кўпайтиришга имкон берадиган ўзига хос ноёб иншоот — ҳаводаги ҳаракатни бошқарувчи янги автоматлаштирилган марказ қурилди.

Ғарбда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларини бошқаришни Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ўзлаштирди ва улардан фойдаланишни кенг миқёсда амалга ошира олди.

У фуқаро авиациясини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун бир қанча орден ва медаллар билан, 1996 йили эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвонига эга бўлди.

### АЛЛАБЕРГАНОВ Рустам Ражабович

*213-Хонқа сайлов округи*

Хоразм ҳудудий жиҳатдан республикамизнинг бошқа вилоятларидан анча йироқда. Темир йўл транспортида юк ташиш борасида айрим қўшни давлатларда олиб борилган номутаносиб сиёсат туфайли сўнгги йилларда вилоятга марказдан ва бошқа ҳудудлардан турли қишлоқ хўжалик ашёлари, кимёвий ўғитлар ташиб келтириш асосан автомашиналар зиммасига тушмоқда. Буғдой, шоли ҳосилини давлат хирмонларига вақтида элтиб топшириш, қанд лавлагини хўжаликлардан Хоразм шакар заводига тезкор етказиб бериш... Ишқилиб, иш кўп.

Буни 43-сон очиқ турдаги Хонқа давлат акциядорлик корхонаси бошлиғи Рустам Аллаберганов яхши билади, масъулиятини чуқур англайди. Шунинг учун корхона ихтиёридаги барча техника воситаларининг доим техник соз бўлиши, ҳайдовчи-хизматчиларга шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш бошликдан ишбилармонликни талаб қилади. «Корхона раҳбари бир-икки кун дангасалик қилса тамом — техника тўхтаб қолиши ҳеч гапмас, — дейди у. — Ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотини мунтазам таъминлаш ҳам осон иш эмас...»

Рустам аканинг меҳнат фаолияти айнан шу корхона билан боғлиқ. Ўрта мактабни тугатгач, корхонада оддий чилангар бўлиб ишлади. Сўнгра ҳайдовчилик касбини ўрганиб, мустақил машина бошқарди. Ҳарбий хизматдан кейин ҳам етти йил корхонада ҳайдовчилик қилди. Ишлаш билан бир қаторда билимини оширди. Наманган политехника институтида сиртдан ўқиб, муҳандис-механик мутахассислигини эгаллади.

Оддий ҳайдовчидан чиққан раҳбарнинг корхонасида обрўси баланд.

### АВЕЗОВА Халима Абдуллаевна

*205-Хива сайлов округи*

Хиванинг қадим «Журён» қишлоғи аҳли Халима Авезовани жуда ҳурмат қилишади.

Беруний номли қишлоқ врачлик маскани бўлими мудираси Халиманинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу ерда энг сўнгги андозадаги тиббиёт ускуналари ўрнатилган. Ўн нафар малакали врач ва 45 нафар ҳамшира ҳар дақиқада қишлоқ аҳли хизматида.

Даласига боғланган деҳқон учун улов миниб туман марказига боргандан кўра пиёда қишлоқ марказидаги шифохонага боргани маъқул. Шу ерда кўнгли тинч, хасталиги ҳам тез тузалади. Халимани қишлоқдошлари ҳурмат қилишининг боиси ана шунда.

Халима ўн икки минг нуфусли қишлоқ аҳлига малакали тиббиёт хизматини намунали йўлга қўйган. Бир йил муқаддам қишлоқда қирқ ўринли туғуруқхона ҳам ишга туширилди. Қишлоқнинг «Арвик» участкасида беш ярим минг нафар кишига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган қишлоқ врачлик пункти атиги тўрт ой ичида қурилиб, ишга туширилди.

Ўтган йилларда оналар ўртасида бирор марта ҳам ўлим ҳодисаси содир бўлмади, янги туғилган чақалоқлар ўлими эса кескин пасайди. Бу Халима бошлиқ шифокорларнинг ўз ишларига фидойилик билан ёндошишлари натижасидир.

Унинг мақсади — ночор, кам даромадли оилалар саломатлигини сақлаш, бунда доридармонлар ва даволашни бепул қилишга эришишдир.

### ПОЛВОНОВ Отабой

*209-Қўшкўпир сайлов округи*

Отабой акани туманда «Американи яқин қилган одам» деб таъриф этадилар. Бунга сабаб туман марказидаги барча телефон эгалари дунёнинг исталган бурчаги билан телефон орқали боғлана олишидир.

Туман марказида Жанубий Корея ва Японияннинг энг замонавий ускуналари асосида ишлайдиган янги АТС қисқа фурсатда иш бошлади. Ғозиобод қишлоғида ҳам 500 рақамли АТС қуриб ишга туширилди. Эндиликда ишлаб толмайдиган раҳбар тумандаги барча қишлоқларга ҳам бу янгиликни жорий қилиш устида тиним билмасдан фаолият кўрсатмоқда.

Эндигина эллик ёшга тўлган Отабой аканинг «Меҳнат дафтарчаси»да атиги уч қатор ёзув бор. 1970 йилдан Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини аъло баҳоларга битказганидан сўнг етти йилча Қўшкўпир туман электр тармоқлари корхонасида оддий уста бўлиб ишлади. Иш ўрганди. Касб сирларини эгаллади. Одамлар билан яхши муомалада бўлиш, улар дарди билан яшашга одатланди.

Сўнгра ўн беш йил туман алоқа узелида бошлиқ бўлди. Мана етти йилдирки, туман электр алоқа боғланмаси бошлиғи вазифасида ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Номзоднинг сайловолди дастурига кўз югуртираман:

«Боғча, шифохона, профилакторийлар моддий техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат маданиятини яхшилашга эришиш».

«Электр, газ, иссиқлик таъминоти ва ичимлик сув учун белгиланган ҳақларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик!»

«Денгиз қуришидан юзага келган экологик вазият туфайли маълум маънода маънавий-иқтисодий зарар кўраётган воҳа аҳолиси учун қўшимча товон пули тўланиши масаласини юқори минбарларда кўтариш ва бу борада қонун қабул қилинишига эришиш!»



### МАШАРИПОВ Саъдулла Машарипович

*214-Шовот сайлов округи*

Баъзи бировлар санитария врачларига бошқача қарашади. Феълимиз қизиқ-да. Бирор жойимиз оғриб хастахонага тушсак, аччиқ хапдори ютирган, танамизга игна санчган шифокорларга раҳмат айтамиз. Аслида касал бўлмагунча дўхтирнинг қадри ўтмайди. Аммо, тўрт мучамиз соғ, бардам қадамлар билан бола-чақамиз олдида юрганимиз учун тақдиримизга шукрлар айтамиз-ку, ичаётган сувимиз тозалиги, нафас олаётган ҳавонинг мусаффолиги учун жон куйдираётганлар, турли хасталикларни келтириб чиқарувчи микроблар уясини йўқотаётганлар эсимизга келмайди.

Озгина рақамбозлик ўрни етди. Вилоятда ўтган йилга нисбатан ич терлама билан оғриганлар сони тўрт баравар, паратифга чалинганлар беш баравар камайди. Ёки қизамиқ хасталиги беш баравар кам учради, сариқ хасталиги ҳам қирқ фоиз камайди.

«Булар бизнинг одатдаги — ҳар куни юмушларимизнинг самараси, — дейди Саъдулла Машарипов.

— Одатда маъмурий органларга ҳар кун содир қилинган жиноятлар ҳақида эрталаб маълумот берилса, бизнинг иш столимизга эрталабдан вилоятнинг қайси касалхонасига қандай хасталиклар билан ётқизилган беморлар ҳақидаги маълумотлар тушади. Юқумли, тарқалиши хавфли бўлган хасталикларнинг олдини олиш учун дарҳол барча кучларни сафарбар қиламиз».

Ўн тўрт йил Урганч шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош врачи вазифасида ишлаган ўз соҳасининг билимдони, ташкилотчи раҳбарни роса бир йил муқаддам Хоразм вилоят давлат санэпидстанцияси бош врачлиги лавозимига тавсия қилганларида унинг кўп йиллик тажрибаси, жонкуярлиги, ишга янгича нуқтаи назардан ёндошишини инобатга олишганлиги аниқ.

### БОБОЖОНОВ Хушнут

*206-Ичон Қалъа сайлов округи*

Проректор хонасига ийманибгина кирган йигит гапни нимадан бошлашни билмай туриб қолди. Хушнут ака уни ўтиришга таклиф қилди. «Хўш, хизмат!» Йигит ўзини таништирди: «Янгибозорданман. Отам ҳам, онам ҳам шу ерда ўқишган. Уларга сабоқ берган эксансиз. Отам «Устозимга салом айтиб қўй!», деб тайинладилар...»

Хушнут ака бундан 25 йил муқаддам даргоҳни туғатган ва айни битириш йилида тўйлари бўлиб ўтган икки талабасини эслади. «Вақт ўтаяпти. Мана бугун шогирдларининг болалари талабалик ёшида».

Профессор Хушнут Бобожоновнинг бутун умри шу ўқув даргоҳи билан боғлиқ. 1964 йилда Хоразмдаги биринчи олий ўқув маскани саналмиш институтни битказди. Сўнгра мусиқа билим юртида ишлади ва 1968 йилда уни ўзи таҳсил олган даргоҳга ишга таклиф қилишди. Фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган тиришқоқ йигит илмий педагогик фаолиятини ташкилотчилик билан биргаликда олиб борди. Декан, кафедра мудири, илмий ишлар бўйича проректор, вақтинча ректор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади. Мустақилликдан сўнг педагогика институти базасида Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ташкил этилди. Эндиликда ўқув-таълимни янгича — жаҳон андозаларига мос ташкил қилиш оддий ўқитувчидан раҳбаргача катта масъулият юклади. Университетда «Жаҳон тиллари факультети» ташкил қилинганида деканликка Хушнут акани маъқул кўришди. Инглиз, немис, рус тилларини ўз она тилидек биладиган профессор бу вазифани сидқидилдан уддалади. Икки йилки, профессор Хушнут Бобожонов университет маънавий ва маърифий масалалар бўйича биринчи проректор вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

### МАДРАҲИМОВ Маримбой

*210-Урганч сайлов округи*

Шу йил бошида Урганч туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги негизида ширкат хўжалиги тузилди.

Бу йил улар учун зафарли келди. Салкам минг тонна буғдой етиштирилди, шоли ҳам режадагидан ошиқ тош босди. Хўжалик иқтисодининг асоси бўлган пахта етиштириш режаси 105 фоизга уддаланди ёки давлат хирмонларига тўрт минг тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» топширилди.

Маримбой нисбатан иқтисодий ночор хўжаликка бош бўлганида қирқ ёшида эди. Бунгача Андижон пахтачилик институтини тугаллаб қайтганидан сўнг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ туман ва вилоят миқёсида қатор масъулиятли вазифаларда ишлади. Беш йил Урганч туман сув хўжалиги бошқармасини бошқарди, туман ҳокимининг биринчи муовини бўлди. Раҳбарликнинг катта тажрибасини олган агрономни хўжаликка раисликка тавсия қилганларида унинг ишчанлиги, одамлар билан тез тил топиша олиши, янада муҳими қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш борасидаги ҳукумат қарорларини чуқур англаб етганини инобатга олишган ва янглишмадилар.

...Кузнинг сўнгги кунларида воҳага қор ёғди. Ҳосилни йиғиштириб олган деҳқонлар қишки таътилга чиқдилар. Раисни эса ҳали тонг оқармасидан дала бошида учратдик. Ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш, текис униб чиққан буғдой ниҳоллари парвариши ташвишида юрган экан.

### ЮСУПОВ Марат Матяқубович

*215-Янгиариқ сайлов округи*

Марат Юсупов Урганч шаҳрида туғилган бўлса-да, иш фаолияти давомида вилоятнинг қатор туманларида ҳалол хизмат қилган инсон. Олти йил давомида Янгибозор тумани ҳокими бўлиб ишлаб, туманда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш борасида бош-қош бўлди.

Икки йилки, вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг раиси вазифасида ишлаётган Марат акани Янгиариқ сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши тасодиф эмас. 1978-90 йилларда Марат ака Янгиариқ туманида масъулиятли вазифаларда ишлаган.

Ўзига қадрдон бўлиб қолган тумандаги меҳнаткаш кишилар келажагини таъминлаш, улар билан ҳар доим бирга бўлиш номзоднинг катта орзуси. «Ёшлар муаммолари бўйича вазирлик тузиш вақти етди!» дейди куйиниб. «Банкларни ислоҳ қилиш зарур» дейди. «Янгиариқ ва Хонқа туманларида кейинги икки йилда ўнлаб хусусий, кичик корхоналар, фирмалар бекилиб кетди. Ишбилармон кишиларда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бор, аммо уларда пул йўқ. Банклардан кредит олиш қийин. Бундай шароитда тадбиркорликни ривожлантириш қийин», деб ташвишланади.

Марат акани адолатли раҳбар сифатида қадрлашади. «Даромадларни декларация қилиш — ҳалол ва адолатли турмуш тарзини шакллантириш учун ўта зарур!». Марат аканинг ғоявий интилишларидан бири бу.

### БОТИРОВА Онагул Оллобергановна

*207-Боғот сайлов округи*

Эрталаб қабулга кирган аёл оиласи дарди билан келган экан. Тўрт нафар вояга етмаган фарзанди бор — мактабда ўқишади, турмуш ўртоғи вақтинча ишламаяпти — касаллик варақасида. Ёрдамга муҳтож.

Онагул Ботирова аёлнинг оиласи билан боғлиқ муаммосини тўла эшитиб бўлгач, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳом ака Қурбонов билан телефон орқали боғланди. Илҳом ака яхши раҳбар. Оворагарчиликларга йўл қўймайди, масалани, жойида, тезкор ҳал қилишга ўрганган. Шу боисдан Онагулга тайинлади: «Дарҳол ариза ёзиб ёнимга келсин. Ёрдам берамиз!».

Боғот туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Онагул Ботированинг одатдаги иш кунларидан оддий лавҳа бу. У қирқ ёшда. Эсини танибдики, хўжаликда ишламоқда. Ўн бир йил давомида хўжалик ёшларига етакчилик қилди. Қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, уларни муқим иш билан таъминлаш каби масалаларда ёшларга маслакдош бўлди, улар ўртасида эътибор қозонди. Ўша йиллари Онагул билан ёнма-ён ишлаган ёшлар бугунда хўжаликда кўпчиликни ташкил қиладилар, улар қишлоқ ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида фаол қатнашмоқдалар. Ёшлар билан ишлаш даврида орттирган тажрибаси эндиликда хотин-қизлар қўмитаси ишларини намунали ташкил қилишда қўл келмоқда. Республикамиз Президенти томонидан «Аёллар йили» деб эълон қилинган жорий йилда айниқса бир кун бўш вақти бўлмади. Турли мавзуларда ўтказилган тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари... Ёки пахта йиғим-терим мавсумида хотин-қизлар меҳнати, ҳақлари вақтида тўланишига эришиш, дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш диққат-марказида бўлди.

Онагулнинг келгусидаги орзулари эса қишлоқ аёлини ҳар доим бахтли кўриш!

### МАШАРИПОВ Ғайрат Назарович

*211-Хазорасп сайлов округи*

Ғайрат акани Хоразмдаги қишлоқ хўжалик ходимларининг аксар қисми устоз деб биладилар. Ҳурмат қиладилар. 1959 йилда Тимирязов номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясини, кейинроқ эса Ижтимоий фанлар академиясини битказган, қишлоқ хўжалиги бўйича фанлари номзодлик илмий ишини ёқлаган, салкам қирқ йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори лавозимларда ишлаб келаётган авлод вакили бўлмиш инсон мана саккиз йилдан буён ЎзХДП вилоят кенгашига етакчилик қилмоқда. Партияни ташкил қилиш, унинг обрўсини ошириш, омма орасига кенгроқ кириб бориш борасида Ғайрат аканинг хизматлари шу бўлдики, ўтган фурсатда партия аъзоларининг сони икки баравар ошиб, бугунда 38 минг нафарга етди.

У қайси соҳада, қайси лавозимда ишламасин, ўзининг ташкилотчилик қобилияти, олимлик салоҳияти ва инсонийлик хислатлари билан халқ орасида ҳурмат топди.

Ғайрат Машарипов республика, вилоят ва туманларда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга, илғор тажрибалар, хўжаликни бошқариш услубларининг кенг ёйилишига бошқош бўлди.

Ғайрат Машарипов сиёсий-партиявий масалаларнинг, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини тез илғай оладиган, намуна кўрсатиб ишлайдиган, ўз ортидан юзларни, мингларни эргаштира оладиган етук раҳбар.

Узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида бир қатор ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида кенг миқёсдаги ташкилий-тадбирий ишларга бош бўлди.

### НАРИМОВ Шермат

*216-Янгибозор сайлов округи*

Шермат ака иш фаолиятини Бухоро нон комбинатида ишчиликдан бошлади. Оддий ишчининг йигирма йил ичида йирик олим бўлиб етишиши тасодифий ҳол эмас. У Тошкент давлат университетини туғатгач, Ўзбекистон Фанлар академияси Тошкент сейсмология институтида муҳандис, кичик илмий ходим бўлиб ишлади. Илмий иш ёқлагач, Тошкент халқ хўжалиги институти «Олий математика» кафедрасида ассистентлик қилди, ўн тўрт йил Тошкент политехника институтида «Олий математика» кафедрасида доцент, катта илмий ходим, профессор бўлди. Қишлоқ йигитининг қирқ ёшида физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олишида ҳам илмий меросхўрлик анъанаси бордек. Жаҳон алгебра фанининг асосчиси, буюк бобокалонимиз Ал-Хоразмий илм мактабининг асримиздаги йирик вакилларидан бири бўлиб етишди.

Мустақилликдан сўнг вилоятда университет ташкил қилингач, уни туғилган масканига ишга таклиф қилдилар. Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетида ўқув ишлари бўйича проректор бўлди, амалий математика ва математика-физика кафедраси профессори бўлди. Бозор иқтисодига ўтиб ишлаш, мазкур тармоқда жаҳоний андозаларни шакллантириш, ёшларни айнан шу янгиликлардан бохабар этиш мақсадида ташкил қилинган иқтисодий таълимнинг минтақавий марказида директорлик қилган даврида ҳам ташкилотчилик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатди, ўқитиш бўйича кўпгина янгиликлар амалиётга жорий этилди.

Профессор Шермат Норимов ҳозирда Урганч давлат университети кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим марказини бошқармоқда.

# ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

## КАРИМОВ Орипжон Шарипович

*217-Қарши сайлов округи*

Орипжон Каримовнинг отаси бир умр пахтага сув тараб келган. Бироқ, оддийгина деҳқоннинг «Болам, сен иш қидирма, шундай мутахассис бўлгинки, ишнинг ўзи сени излаб топсин» деган ўгити Орипжоннинг ёдида бўлди. Ота ўгитини дилига жо этган фарзанд кам бўлмади. Бугунги кунда у Уй-жой коммунал фойдаланиш вазирлигига қарашли Қарши шаҳридаги 129-махсус қурилиш ишлаб чиқариш бошқармасида бошлиқ.

Ташкилот асосан вазирликка қарашли иссиқлик манбаи, газ хизмати, сув, оқава, капитал қурилиш бошқармалари буюртмалари асосида таъмирлаш ва қурилиш ишларини амалга оширади.

Орипжон мазкур ташкилотга бошлиқ этиб тайинланган кезлари у ерда аҳвол оғир эди. Иш ўринлари қисқарган, қарзлар эса талайгина. Нима қилмоқ керак? Ахир, «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритиб бўлмайдику. Қисқаси, елди-югурди, қарзларни узди, қайтадан моддий-техника базани яхшилади. Корхонада ёғоч ишлаб чиқариш ва пайвандлаш цехлари очилиши натижасида янги иш ўринлари ҳам очилди.

1998 йилда корхона хусусийлаштирилиб тўлиқ жамоа мулкига айлантирилди. Энди иш ривожлангандан-ривожланаверади. Узоқ йиллар пайсалга солиб келинган Қарши шаҳри ҳудудида жойлашган Лағмон, Каманди, Қилич қўрғонча маҳаллалари газлаштирилди.

Ҳозирги кунда шаҳарда барпо этилаётган «Сайлгоҳ»нинг фавворалар қурилишини Орипжон бошлиқ бунёдкорлар амалга оширмоқдалар.

## ТОШТУРДИЕВ Холиқул Суюнович

*221-Қамаши сайлов округи*



Холиқул Тоштурдиев 1949 йилда туғилган. Симферополь университетининг рус тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрган. Ҳарбий хизматни ўтаган. 1975-1986 йилларда Қамаши туманидаги мактабларда ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлди. Муаллим ҳам ҳамиша сабоққа муҳтож. Холиқул Тоштурдиев ўн икки йил давомида туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлар экан, илми ва тажрибасини ўқитувчилар малакасини ошириш, айниқса, ёш муаллимларга ҳар томонлама кўмак беришга сарфлади. Камтарлиги, янгиликка интилиши, талабчанлиги билан обрў қозонди.

1998 йилдан ҳозиргача Ҳамид Олимжон номли мактаб директори вазифасида ишлар экан, катта ташкилотчилик қобилиятини намоён қилди. Мактабни таъмирлаш, моддий таъминотини яхшилаш учун елиб-югурди. Ўқитиш ва ўқитувчиларга нисбатан талабчанлик оширилди. Мураббийлик ҳаракати ривож топди. Тарбия жараёнида ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Айниқса, таълимни ислоҳ қилиш борасидаги амалий ишлари эътиборга тушди.

Иморатни пойдевордан бошлайдилар. Агар таъбир жоиз бўлса, мактаб ва бошқа ўқув масканлари юртимизда амалга ошаётган улуғвор ишларимизнинг пойдеворидир. Таълимнинг босқичма-босқич янги тизимга кўчирилаётгани, ҳукуматимизнинг бу соҳадаги ғамхўрлиги Холиқул Тоштурдиевни суюнтиради. Ҳар бир янгиликни мактабда қўллашга ҳаракат қилади. У ислоҳотлар юксак самара беришига ишонади ва бутун саъй-ҳаракатларини аниқ мақсадларга йўналтиради.

## ОМАНОВ Фармон

*222-Чим сайлов округи*

Фармон Омановни Қашқадарёда танимайдиган одам йўқ. У 1938 йил Қарши туманидаги «Қозоқ» қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни олтин медаль билан, 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Илм ва изланишга салоҳияти туфайли шу институт аспирантурасида ўқиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлди. 30 дан ошиқ илмий ишларини матбуотда эълон қилди.

Аммо Фармон Оманов фаолияти амалий ишлар билан боғлиқ. Қарши туманидаги «Чўли ота», «Намуна» хўжаликларида агроном, бош агроном, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида катта аграном вазифаларида ишлаш жараёнида ерга меҳр қўйди. Кейинчалик Қарши туманида котиб, қишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари, «Ўзсельхозхимия» Республика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси бўлиб ишлади. 1984-1991 йилларда Касби, Шаҳрисабз туманларининг сиёсий органларини бошқарди. Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раиси даражасига кўтарилди. 1991 йил ноябридан ҳозиргача Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Фармон Оманов қаерда ишламасин, ташкилотчи раҳбар, меҳрибон ва талабчан устоз сифатида ўзини кўрсата олди. Парламентимиз фаолиятида фаол иштирок этди.

## ЦОЙ Борис

*218-Насаф сайлов округи*

1950 йилда туғилган, корейс миллатига мансуб Цой Борис Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тугаллаган. Йиғув цехи устаси, таъмир бўйича бошлиқ ўринбосари, бош муҳандис каби вазифаларда ишлаган. 1982 йилдан бошлаб эса у Қарши вагон депоси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— «Ҳар бир ишда ақл-заковат, дадиллик асқотади», — дейди у. Дарҳақиқат, шунинг учунми, темир йўл тизимида бирор бир чигаллик ё муаммони ҳал этишда Қашқадарё темир йўл бошқармаси жамоасининг унга таяниб иш юритишлари сир эмас.

Цой Борис ўта камсуқум, меҳрибон, тўғрисўз ва талабчандир. У ҳақда Қашқадарё темир йўл бошқармаси бошлиғи А. Туйчиев шундай дейди.

— Цой Борис ўта билимдон, қатъиятли. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшган, корхонани қайта ташкил этишда фаол иштирок этган.

Темир йўл транспортининг хизмат кўрсатиш даражасини кескин ошириш масалалари билан шуғулланиш, ишлаб чиқаришга фан ва техника янгиликларини кенг жорий қилиш Цой Бориснинг ҳар доимги ва сайловолди дастуридан ўрин олган.

## СУВОНҚУЛОВ Омон

*223-Бешкент сайлов округи*

Омон Сувонқулов Қарши давлат педагогика институтини тугатган.

Тумандаги ёшлар, партия ташкилотларида йўриқчи, масъул котиб, 9-мактаб директори ўринбосари, маиший хизмат кўрсатиш комбинати муҳандиси, пилла қуритиш идораси директори, шунингдек, бир неча хўжаликларга раҳбарлик қилган. У кўпни кўрган, оқсоқол сифатида ҳурмат-у иззатда.

Омон Сувонқулов 1998 йилдан буён «Нуқрабод» қишлоқ фуқаролар йиғининг раиси вазифасини бажариб келаяпти. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Нуқрабод», «Яккаёғоч», «Сахтапиёз», «Ертепа», «Мевазор», қишлоқларида кенг кўламдаги ободончилик ишлари олиб борилди. Маҳалла-ю кўчаларга файз қайтди. Аҳолига томорқа ерлари ажратилди.

Шундай ишларнинг бошида туриб жон куйдираётган ким? Албатта Омон Сувонқулов-да.

Унинг сайловолди дастури: Қишлоқ жойларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш. Барча динлар, айниқса, ислом дини одамларни ҳалоллик, юксак ахлоқ каби инсоний фазилатларга чорлашини эътироф этган ҳолда, диний ақидапарастликка йўл қўймаслик.

У меҳнаткаш, камтар инсон. Сиёсий жиҳатдан етук. Ташкилотчилик қобилияти устун туради.

## ЗАЙНУТДИНОВ Ибрат Анварович

*219-Ғузор сайлов округи*

Ибрат Зайнутдинов 1948 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1966-1971 йиллар Тошкент политехника институтига ўқишга кириб, уни муваффақиятли якунлади. Иш фаолиятини эса сал эртароқ, яъни талабалик йилларида Ўзбекистон телевидениё ва радиоэшиттиришлар қўмитаси сухандонлигидан бошлади.

Ибрат Зайнутдиновнинг ҳаётида чуқур маъно ва мазмун касб этадиган йиллар бу унинг «Қаршикурилиш» бошқармасида ишлаган пайтларидир. Бу йилларда у катта тажриба орттирди. Ўз соҳасининг билимдонига айланди. 1971-1982 йилларда Қарши чўлини ўзлаштиришда оддий муҳандисликдан «Қаршиқурилиш» бошқармасига қарашли «Қаршимелиосовхозтаъмирқурилиш» трестининг бош муҳандислигигача бўлган лавозимларда ишлади. И. Зайнутдиновнинг кейинги иш фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчларидан бўлган нефть ва газ соҳасига тааллуқлидир. 1982 йилдан 1992 йилларгача бўлган даврда «Ўзбекнефть» бирлашмасининг бош директор ўринбосари бўлиб ишлади. Кейинги йиллар «Ўзбекнефтгаз» концерни, кейинчалик корпорацияси раисининг ўринбосари, 1998 йилнинг сентябрь ойидан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси этиб сайланган.

И. Зайнутдинов бугунги ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар устуворлиги жараёнида юртимизга астойдил хизмат қилиш, унинг шаъни шуҳрати учун толмай курашиш ишқида. Ундаги изланувчанлик, билимдонлик, ўз устида ишлаш ва оқилона раҳбарлиги бу ишқни сўндирмагай, албатта.

## НОСИРОВ Шавкат

*224-Касби сайлов округи*

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг саноат ва граждан қурилиш факультетида таҳсил олган. Шавкат Носиров даставвал «Целинстрой» трестига қарашли 17-механизациялашган кўчма колоннада мастер, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Кейинчалик бу соҳада унча-мунча тажрибага эга бўлган Ш. Носиров 19-Қашқадарё деҳқон қурилиш очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли Касби туманидаги 8-деҳқончилик қурилиш бошқармасида бошлиқ вазифасида ишлади. Ишнинг кўзини билиши маҳсули ўлароқ, қисқа фурсатда Муборак, Касби, У. Юсупов, Баҳористон туманларида қатор ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар ишга туширилди.

Шавкат Носиров оддий одамлар назарига ҳам тушган инсон.

Бу сингари эътирофларни кўп эшитишимиз мумкин. Ҳозирги кунда эса у бошлиқ қурувчилар «Шўртангаз» комплексида бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда. У ерда маъмурий ва турар жой бинолари қад ростлаяпти.

Шавкат Носиров умрини бунёдкорлик юмушларига бахшида этган киши. «Истагим мамлакатимиз ободлиги ва гуллаб-яшнаши», дейди у.

## ПАРДАЕВ Ёқуб Ахматович

*225-Китоб сайлов округи*

Ёқуб Пардаев Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, Шаҳрисабз шаҳар 28-ўрта ҳунар-техника билим юртида ўқитувчилик қила бошлади. Сўнг Китоб туманидаги 27-ўрта ҳунар-техника билим юртида ишлади. Мева-сабзавот ва узумчилик бўйича мутахассис эмасми, таълим масканларида ёшларга боғдорчилик сирларини ўргатди.

Ё. Пардаев 1991 йилда Қашқадарё вилоят «Мевасабзавотузум» ишлаб чиқариш бирлашмасига етакчи мутахассис бўлиб ишга ўтди. Бир йил бирлашманинг Чироқчидаги «Умакай» хўжалигида раҳбар бўлиб ишлади. Хўжаликлар йириклаштирилгач, яна бирлашмада бош мутахассис, қишлоқ хўжалик бўлими мудири бўлди. 1995 йилдан «Кеш» фирмасида бош мутахассис лавозимида ишлади. 1998 йилнинг март ойида Китоб туманидаги Охунбобоев номли хўжалик раислигига сайланди.

Хўжалик боғдорчиликка ихтисослашган. Аммо ночорлашиб, қарзлари кўпайиб кетган эди. Ё. Пардаев ғайрат билан ишга киришди. Лалми ерларга сув чиқарилиб, 20 гектар янги боғ ва 15 гектар токзор барпо этишди. Аҳоли талабини ҳисобга олиб, газ қувурлари тортиб келинди. Меҳнат одамни танитади, дейдилар. Ёш раҳбарнинг ҳаракатлари зое кетмади. Хўжалик оёққа тура бошлади. Одамларда иқтисоднинг ўнгланиши, турмушлари яхши кетишига ишонч уйғонди. Ё. Пардаев ҳануз тиниб-тинчимайди.

## ҲАКИМОВ Назар

*220-Деҳқонобод сайлов округи*

Профессор Назар Ҳакимов 1973 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. 1977-1980 йиллар давомида аспирантурада таҳсил олган.

Самарали илмий татқиқотлар ҳам олиб борди. «Шахснинг сиёсий маданиятини шакллантириш» мавзуида фалсафа фанлари докторлиги илмий даражасини олиш учун муваффақиятли равишда диссертация ҳимоя қилди. 1993 йил профессорлик даражасига эришди.

Назар Ҳакимов Ўзбекистон Фанлар академияси, Давлат фан-техника қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган нуфузли делегациялар таркибида Германия, Австрия, Жанубий Корея, Туркия, Англия ва бир қатор хорижий давлатларда бўлиб, мустақил давлатимиз иқтисодиёти, маданияти, илм-фан ютуқларини тарғиб этишда ҳисса қўшган.

Чет эл университетлари ва илм-фан марказларида ўз касбий малакасини оширди.

Профессор Назар Ҳакимов Қарши давлат университетига ректорлик қила бошлаган қисқа фурсат ичида жуда кўп ишларни амалга оширди. Университет илм-фан ва таълим-тарбия соҳасида ўз қиёфасига эга бўлди.

Малакали таълим мутахассислари тайёрлаш бобида ташаббускорликлар Н. Ҳакимовнинг номи билан боғликдир.

## АСАДОВ Илҳом Ашурович

*226-Косон сайлов округи*

— Биласизми, қандай жамоа бўлмасин, даставвал, ўша ерда маънавий муҳит шаклланмаса, иш кўнгилдагидек кечмайди. Маънавиятли жамоада соғлом муҳит қарор топади, — деб ўйлайман. — Масалан машина таъмирловчи мижозларга сидқидилдан хизмат қилади. Яна бир гап. Соҳа аттестациясидан ташқари, ишчи-хизматчиларни маънавият имтиҳонидан ўтказиш айнан бугунги куннинг эҳтиёжи ва заруриятидир...

Бу Қашқадарё «Автотеххизмат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Илҳом Асадовнинг гапи.

Вилоятнинг қатор туманларидаги савдо ташкилотларини бошқарган Илҳом Асадов 1985 йилдан жамият раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Гапнинг рости, бир жойда қарийб 15 йил ишлашнинг ўзи бўлмайди. У мазкур жамиятдаги кўп йиллик раҳбарлик фаолияти давомида билими ва талабчанлиги билан ўзини кўрсатаяпти. Жамият иқтисодини кўтариб, ўз устида мунтазам ишлаб, изланиб атрофидагиларнинг меҳрини қозониб келмоқда.

Энг муҳими, бугунги куннинг талабини чуқур англайди, тушунади. Ёшларни ишсизликдан ҳимоя қилиш унинг амалига айланиб қолган. Шу маънода ҳамиша янги иш ўринлари яратиш иштиёқида.

— Мулкчиликнинг нодавлат шаклида ҳикмат кўп экан, — дейди Илҳом Асадов. Асосийси чек қўйилди. Хусусий мулкчиликнинг орқасидан келадиган манфаатдорликни барча бирдек ҳис қилаяпти.

**Материалларни Рўзимбой ҲАСАН, Юнус УЗОҚОВ, Илҳом КАРОМОВлар тайёрлашди.**

# Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат

*Сайлов ва сайловчи*

Сайловгача саноқли кунлар қолди. Оммавий ахборот воситаларида, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида баҳс-мунозаралар тобора қизғин тус олмоқда.

Маълум бўлмоқдаки, баъзан, номзодлар билан сайловчилар ўртасида бошланган мулоқот «даҳанаки жанг»га айланиб кетаётир, ҳатто, номзодларнинг сиёсий дастурлари бир четда қолиб, уларнинг шахсияти муҳокама қилинаётган мажлисларнинг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз. Истисно тариқасида, бундай воқеалар рўй бериши мумкин, албатта. Чунки, сайловчилар ўзларини қийнаётган ҳар қандай саволга «улгуржи» жавоб олишни истайдилар, улар қуруқ ваъдаларга ишонмай қўйган бўлсаларда, аммо, ҳеч бўлмаса, дилга тугиб қўйган гапларини айтиб қолишни хоҳлайдилар. Оддий инсоний муносабатлар нуқтаи назаридан бундай ҳолатни тушуниш қийин эмас, бироқ, матбуотда (республикадаги йирик, нуфузли партияга нисбатан ҳақоратомуз чиқишлар) сиёсий партиялар ўртасида «даҳанаки жанг» бошланиб кетса, сайловчилар жамиятимизнинг фаол аъзолигидан кўра, томошабинга ўхшаб қолади. Агар, сайловолди тарғибот ишларида бундай «даҳанаки жанг»лар бўлса, у ҳолда, бундай «жанг»лар холис бўлмоғи керак! Сайлов жараёнида биз одамларни ижтимоий- сиёсий фаолликка даъват этишимиз ҳамда уларни ортиқмиздан эргаштира олишимиз, мустақиллик ғояларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни кишилар онгига сингдиришимиз лозим. Зеро, кишилар онгига сингдирилган ҒОЯ ТАЪСИРЧАН КУЧГА АЙЛАНАДИ.

Шу ўринда машҳур олмон файласуфи Фридрих Ницшенинг «чаламулла» тўғрисидаги қуйма таърифи беихтиёр ёдга тушади. У бундай дейди: «Агар чаламулла одам бирорта донишманднинг гапини илиб олса борми, у гўё ўзини онадан қайта туғилгандай ҳис этиб, тўрт кўчани бошига кўтариб, шовқин солиб юради. Чунки, бошқа одамлар унинг кўзига донишманднинг оқилона гапидан бехабар ғофил банда бўлиб кўринаверади. Демак, у барчани янгиликдан воқиф этмоғи лозим; у гўё чигал муаммонинг ечимини топгандай бўлади. Мабодо, ўша чаламулла қонун борлигини билиб қолса борми, ўзини ҳакамдек ҳис эта бошлайди».

Ҳозир сайловчиларни куракда турмайдиган ёлғон ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Ҳаётий тажриба тўплаган сайловчилар «ундоқ қиламан, бундоқ қиламан» деб, кўкрагига муштлайдиган номзодларнинг куюнчаклигига ҳам ишонмайди. Биз бунга Андижон ва Фарғона вилоятларига қилган хизмат сафари давомида амин бўлдик.

Хўш, сайловчиларни нимага ишонтириш мумкин? Умуман, номзод Олий Мажлис депутати бўлса, унинг қўлидан нима иш келади? Биринчи навбатда, номзод муайян партиянинг сиёсий дастури асосида ҳаракат қилади, сайланган тақдирда эса, депутат сифатида ўша дастурда белгиланган вазифаларни амалга оширишга интилади. Масалан, Халқ демократик партиясининг Сиёсий дастурида: «Юридик шахслардан олинадиган солиқларнинг энг катта миқдорлари ҳажми қонун билан белгилаб қўйилиши, янги солиқларни жорий қилиш ва уларнинг амалдагилари ҳажмини ошириш фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатига киритилиши керак», дейилади. Ўз-ўзидан савол туғилади: шу пайтгача юридик шахслар тўлаб келаётган солиқлар ҳам қонун билан белгилаб қўйилмаганми? Ёки янги солиқларни жорий қилиш ва уларнинг амалдагилари ҳажмини ошириш қонун чиқарувчи ҳокимият (яъни, Олий Мажлис) ваколатига кирмайдими?... Тўғри, солиқлар қонунда белгиланган ҳажмда тўланади, янгилари эса Олий Мажлис томонидан жорий этилади. Аммо , қонунлар қотиб қолган ақида эмас, улар, ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллашиб, ўз вақтида унга ўзгаришлар киритилиб боришини тақозо этади. Айтайлик, Ўзбекистон иқтисодиётининг маълум бир соҳасини жаҳон андозалари талаблари даражасида ривожлантириш лозим. Бунда хорижий сармояларга юз фоиз дов тикиб бўлмайди, чет эл инвесторлари «сувни кўрмасдан этик ечмаслиги» кундай равшан бўлиб қолди. Шу боис, биз, энг аввало ўзимизнинг ички имкониятларимизни ишга солишимиз ва тегишли режаларни рўёбга чиқаришимиз керак бўлади. Маълумки, республика бюджетида ҳар доим ҳам маълум бир тармоққа зудлик билан сарфлаш мумкин бўлган ортиқча сармоя бўлавермайди. Лекин, режалаштирилган улкан вазифани амалга ошириш учун солиқ тизимини самарали ўзанга, йўналишга буриб юбориш мумкин. Яъни, агар Олий Мажлис депутатларининг кўпчилиги (албатта, регламентда кўзда тутилган кўпчилик) маълум тармоқ зудлик билан жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантирилишига аниқ далил-исбот асосида ишонтирилса, ўша тармоқ, токи ўзини ўнглаб олгунча, солиқлардан озод қилиниши лозим бўлади. Равшанки, қайсидир тармоқ солиқдан озод қилинса ёки ўша тармоқнинг бюджетга тўлайдиган солиқ ҳажми озайтирилса, бошқа бир тармоқ тўлайдиган солиқ ҳажми оширилиши керак бўлади. Худди мана шу жараён қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколати ҳисобланиши лозим. Партиямиз сайловолди дастуридан ўрин олган мана шундай долзарб муаммолар ечимини ҳал этиш иккинчи чақириқ республика Олий Мажлисига сайланажак ХДП номзодларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолади.

Хуллас, биз барча сиёсий партияларнинг номзодларини ижобий ҳамкорликка даъват этмоқчимиз. Қолаверса, исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор, у шундан иборатки, агар биз Ватан ва халқ манфаатлари муштарак эканлигини теран англаб етсак, истиқлолимиз мустаҳкамланишига беқиёс улуш қўшамиз. Бизнинг партиямиздан депутатликка номзоди кўрсатилган, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов ибораси билан айтганда, «Ҳақ деганнинг умри ҳам Ҳақ каби узун, илло!»

*Абдуманноб РАҲИМОВ,*
*Ўзбекистон ХДП МК*
*Партиялараро алоқалар*
*бўлими мудири*

## ДУШАНБА 29

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.15 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши:«Ўзбекистон табиати».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Фикрлар бўлган экан». Мультфильм.
10.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.35 Кундузги сеанс: «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 Болалар учун «Севимли даргоҳ».
13.15 «Телевидение ва томошабин».
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Мукофот муборак!».Мусиқий дастур.1-қисм.
15.10 «Кувноқ стартлар».Телемусобака.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Фирибгарнинг фириблари ёки бир жойда югуриш».Бадиий фильм.
17.25 «Маҳорат».
17.50 «Инжиқ Мурод».Мультфильм.
18.10 «Болаларга бахшида умр».
18.25 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».( рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Муҳаббат соғинчи».Мусиқий дастур.
22.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.102-қисм.
22.50 «Маънавият» дастури.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Икки сохил — икки тақдир». Бадиий фильм. .
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Ким эпчил-у, ким чаққон?»,Мульттомоша)
18.35 «Дунёга йўл»
18.55 Мусиқий лаҳзалар
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Олтин мерос».
19.40 «Жараён» ҳуқуқий жамият сари
19.55 «Ёшлар» телеканалида
20.00 «Маслак ва мақсад». «Ватан тараққиёти» партияси.
19.30, 20.30, 21.00, 22.30 Эълонлар
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал
21.05 Миллионлар ўйини
21.20 Мен овоз бераман
21.25 «Қишлоқдаги тенгдошим»
21.45 «ТВ-саёҳат». Кўҳна Кармана
21.55 Мусиқий лаҳзалар
22.00 «Давр» . Ахборот дастури
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
Футбол. Хафтанинг энг яхши учрашуви.
00.50 «Тонг юлдузи».

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Телефакт».
19.15 Эфирда — «Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 7-қисм.
20.20 «Бурч ва масъулият».
20.25 , 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот»
21.05 «Эстрада концерти».
21.45 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.45 «Индаба». Телесериал. 13-серия.
23.10 «Спорт-тайм».
23.30 «Бумеранг».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ. «Ҳаёт ташвишлари».
01.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
01.50 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (Инглиз тилида).
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
**Р Д Т**
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси.(Австрия-Германия).
**ЎзТВ-IV**
18.50 «Вақт хазинасидан».
19.05 «Ўғрини ушла».Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?».Ахборот кўрсатуви.
19.35 «Соккер-клуб».
**Россия жамоат телевидениеси**
19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.1-қисм.
20.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Дил изҳори».
22.00 «Махфий хужжатлар». (X-files)
23.45 «ТВ-4да Немис тўлқини».
24.00 «Вести».
00.30 «Сиз кутган учрашув».
00.45 «Ахборот « (рус тилида)
01.10 Тунингиз осуда бўлсин.

**30 канал**

**15.00 га қадар профилактика.**
15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телехамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал (Бразилия).
17.45 «Хит-коктейль».
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Детектив сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

## СЕШАНБА 30

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тароналари».Туркманистон.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 102-қисм
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Қатта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
11.35 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 «Оламга саёҳат».
12.45 Ватан тимсоллари.
12.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.10 «Мукофот муборак!».Мусиқий дастур.2-қисм.
14.50 «Маънавият» дастури.
15.40 «Бир қадам...».
16.00 «Мен Сизни севардим». Бадиий фильм.
17.30 «Хонадон».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Истеъдод».Мусиқий дастур.
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Аёл дунёни тебратар».
19.05 «Фермер».Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,22.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Марказий сайлов комиссиясида».
21.25 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.30 «Тарихнинг тилсиз гувоҳлари».
23.00 «Ўзлигинг намоён қил!». Экранда — Бухоро вилояти.
23.35 «Ахборот».
00.05 «Гариб чоллар». Бадиий фильм
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 102-қисм
18.55 Мен овоз бераман.
19.00 «Давр» . Ахборот дастури.
19.35 «Ватан манзаралари»
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 «Маслак ва мақсад». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
19.30, 20.30, 21.00, 22.30 Эълонлар
20.35 «Ҳақиқат чегараси», Телесериал
21.05 «Текин томоша»
21,15 «Ёшлар овози»
21.40 «Турфа олам»
21.55 Мусиқий лаҳзалар
22.00 «Давр». Ахборот дастури
22.35 «Муҳаббат қаҳваси» Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
1. Футбол. Осиё Кубоги саралаш турнири якунлари. 2. Теннис
00.50 «Шарқ эстрадаси»
01.05 Янги тонг

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21,30, 22.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда - Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 8-қисм
20.15 Екимли қўйлар.
20.25, 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар ҳудуди». Мен сайловчиман.
21.45 «Туризм ҳақида», ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Индаба» Телесериал. 19-серия.
23.10 «Биз келажакни сайлаймиз».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Канонир Доласнинг саргузаштлари». 1-серия.
01.20 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
01.35 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз».
«Адолат» социал демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу» Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
**Россия давлат телевидениеси.**
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
**ЎзТВ-IV**
18.50 «Дил изҳори».
19.00 «Сени излайман».
19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.2-қисм.
20.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
**ЎзТВ-IV**
21.50 «Ўғрини ушла».Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?».Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф:«Ўғирланган». Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида).
01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телехамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал (Бразилия).
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45 «Хит-коктейль».
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча», Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Детектив сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

## ПАЙШАНБА 2

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Куйла,танбур дуторим».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».Телесериал 103-қисм.
10.00,12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар
10.05 «Япон тили» .
10.25 Кундузги сеанс: «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
11.40 «Турон қизлари». Спорт дастури.
12.05 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
12.45 «Мактублар — кабутарлар».
13.15 «Саккизоёқчалар».Мультфильм.
13.25 «Бу олам саҳнида».Мусиқий дастур.
14.10 «Кулгу-терапия».
14.50 «Фан- тараққиёт негизи».
15.10 «Озод юрт одамлари».
15.30 Болалар учун «Қўғирчоклар жонланганда».
16.00 «Табор қўкка йўл олади». Бадиий фильм.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
18.10 «Умид учқунлари».Тележурнал.
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Ажаб саодат эрур...»Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00,22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!».Публицистик кўрсатув.
21.40 «Ўзбекистон -Ватаним маним!».Мусиқий дастур.
21.45 «СПИДга қарши кураш куни».
22.10 «Маржон».
22.45 «Индаба». Телесериал. 20-серия.
23.10 «Олтин давр».
23.45 «Кўзгу». Тележурнал.
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Кинонигоҳ. «Канонир Доласнинг саргузаштлари».2-серия.
01.40 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
01.55 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16:10 «Сайловлар ва биз».«Фидокорлар» миллий демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
**Р Д Т**
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
**ЎзТВ-IV**
18.50 «Дил изҳори».
**РЖТ**
19.00 «Инсон ва қонун».
19.50 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.3-қисм.
20.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?».Ахборот кўрсатуви
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Сизнинг адвокатингиз».
23.15 Кинематограф:«Бетмен». Бадиий фильм.

**TV**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош» Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Адолат» социал-демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм 10-қисм
20.20 «Ўзбекистонда қиш». Манзарали фильм.
20.25, 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот»,
21.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.45 «ТВ ва театр».
22.15 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Индаба». Телесериал. 21-серия.
23.10 «Таманно».
23.25 «Сухбатдош».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Тақдир иноъоми»
00.55 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
01.10 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30-9.00
15:05-16:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16:10 «Сайловлар ва биз».Халқ демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
**Р Д Т**
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
**ЎзТВ-IV**
18.50 «Дил изҳори».
19.00 «Ўғрини ушла».Телесериал.
19.25 «Дипқурьер».
**Россия жамоат телевидениеси**
19.45 Э.Радзинскийнинг муаллифлик кўрсатуви.4-қисм.
20.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?».Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф.«Башорат».Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Мусиқий дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телехамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Хужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45 «Хит-коктейль».
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Детектив сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

## ЖУМА 3

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
9.15 «Камолот сари».
9.40 «Теран томирлар».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили
10.25 «Айиқча ва аждаҳо».Мультфильм.
11.40 «Оналар мактаби».
12.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!». Публицистик кўрсатув.
12.40 «Мехр қолуғи».
13.05 «Рақслар гулдастаси».
13.30 «Сомон йўли».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 «Хорманг, уста».
14.50 Болалар учун «Кувноқлар даврасида».
15.10 «Ишқнома».Адабий кўрсатув.
15.40 «Шарқ тароналари».
16.00 «Товус малика». Бадиий фильм.
17.35 «Жавҳар».Публицистик кўрсатув.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Халқаро ногиронлар кунига: «Ўз ўрнинг бор».
18.25 «Ҳамкорлик ришталари».
18.40 «Бир жуфт қўшиқ».
18.50 «Тўртинчи ҳокимият».
19.05 «Ислоҳот ва масъулият»
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловлар ва биз».
21.25 «Қалбимиз ардоғида». Халқаро ногиронлар кунига бағишланган концерт.
22.00 «Баркамол авлод орзуси».
22.20 «Ўзингни,ўз уйингни ўзинг асра».
22.40 ЎзТВ экранида биринчи марта:»Робин Гуд».Бадиий фильм.1-серия.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Робин Гуд».Бадиий фильм,2-серия
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

**ТВ**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. «Самога йўл».
10.00 «Яна бир учрашув».
10.25 «Ёввойи табиат».
11.15 «Спорт оламида».
11.30 «Аёл қалби». Миллий ракс томошаси. (Аёллар йиллига бағишланади).
12.25 Кинонигоҳ. «Ҳаёт ташвишлари».
13.50-14.05 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви..
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун «Қуралай».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви..
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда — «Фидокорлар» миллий демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм 11-қисм
20.20 Мусиқий дакикалар.
20.25, 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чоррахаси».
21.20 «Афросиёб». Телефильм.
21.45 «Биз келажакни сайлаймиз».
22.45 «Индаба» Телесериал. 22-серия.
23.05 «Мусиқий меҳмонхона».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар
23.30 Кинонигоҳ. «Ер-Ер»
00.40 «Пойтахт», Ахборот кўрсатуви..
00.55 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

**Россия жамоат телевидениеси**
7.30-9.00
15:05-16:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16:10 «Сайловлар ва биз».Миллий тикланиш демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
**Россия давлат телевидениеси**
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
**ЎзТВ-IV**
18.50 «Уорлднет» янгиликлари.
19.00 «Дурдаршан».
19.15 «Сайлов-99».
19.25 «СНН-шоу».
**Россия жамоат телевидениеси**
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Время.

*

21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.50 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф: «Жаҳлдор ит ва Глори». Бадиий фильм..
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 01.40 — «Телехамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.40 «Муқаддассан, аёл». Аёллар учун кўрсатув.
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.35 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноокшом.
23.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Детектив сериал.
24.00 «Бедорлик».

## ШАНБА 4

**TV**

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари»
9.35 «Зийнат».
21.15 «Сир»
21.35 «Ҳайрат»
21.55 Каталог
22.00 «Давр».Ахборот дастури.
22.36 «Ёшлар» телеканалида
22.35 Кинотақдим
22.55 Мусиқий глобус
23.20-00.45 Синема: «Юлдузингни бер осмон»

**ТВ**

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 Болажонлар экрани. «Мио, болагинам Мио»
11.05 «Ёшлар ҳудуди». «Мен сайловчиман».
11.35 «Бева Бланка». Телесериал.
12.20 Т.Жалилов номидаги халқ чолғу оркестри ижро этади.
12.55 Кинонигоҳ. «Ер-Ер».
14.05 «Биз келажакни сайлаймиз».
14.50-15.35 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Чинсэн».

***

17.55 «Бугун Сиз билан «Шанба» дастури».
18.05 Болалар учун «Сеҳрли сандиқча».
18.25 «Таянч».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Даромадли дараклар».
19.15 Эфирда - Халқ Демократик Партияси.
19.45 «Куйла ёшлигим».
20.00 «Эфирда-Миллий тикланиш демократик партияси».
20.25, 21.00 Эълонлар
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муаллиф».
21.35 «Сиз соғинган наволар».
22.05 «Даллас».Телесериал .
22.55 «Олам».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Кинонигоҳ. «Тақдир эшиги»
01.05 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси» .
9.35 «Дурдаршан».
9.55 «СНН-шоу».
10.10 «ТВ-4да Немис тўлқини».
10.25 «Биргалиқда куйлаймиз».
11.10-12.45 Кинематограф: «Кичкинтойнинг саргузаштлари».Бадиий фильм.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «Бу ажиб дунё».
18.40 «Дил изҳори».
**Россия жамоат телевидениеси**
18.50 «Итальянларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Кинокомедия.
21.00 «Время».
22.00 «Эксклюзив».
22.20 «Б.С.Н.» Янгиликлари.
22.35 «Мюзик-холл».
22.55 Кинематограф:»Пандора лойиҳаси». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот»(рус тилида)
00.50 Тунингиз осуда бўлсин!

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «Телехамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Клип-совға».
12.00 Тушки кино.
14.05 «30-канал»да премьера. «Киролича Марго». Телесериал.
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Музик роунд». Мусиқий-дам олиш дастури.
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал (АКШ).
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Хафта фильми».
23.10 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
24.00 «Бедорлик».

## ЯКШАНБА 5

1999 йил **5** декабрь
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

**TV**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак».Болалар учун кинодастур.
9.00 «Бу Ватан қўшиқлари».Мусиқий дастур.
9.30 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
9.45 «Ғаройибот».
**«Умид» намойиш этади:**
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Сайлов участкаларида».
11.20 «Бир олам қаҳ-қаҳа».
12.20 «Билим-ринг».
13.00 ЎзТВ экранида биринчи марта: «Қочоқ».Бадиий фильм.1-серия.
14.00 «Сайлов участкаларида».
14.20 «Қочоқ».Бадиий фильм,2-серия.
15.20 «Бахтим — саодатим». Мусиқий композиция.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Кўзгу».Тележурнал.
16.30 «Эр-хотин қўш ҳўкиз».Томоша томоша.3-кисм.
17.10 «Бу гулшан соз...». Мусиқий-бадиий дастур.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Сайлов участкаларида».
18.55 «Ўзлик».Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 Ахборот. (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 Ахборот.
21.15 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.00 «Сайлов участкаларида».
22.20 «Телевизион миниатюралар театри».
22.55 «Интерспорт».
23.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
**«Аср мўъжизаси»**
23.25 Кино янгиликлари.
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта: «Мен елғон гапирмадим...».Бадиий фильм.1--2-сериялар.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Янги авлод» почтаси, «Ким эпчил-у, ким чаққон», «Уй вазифаси»).
9.50 «Тақдирнинг ўз қўлингда»
9.55 Мусиқий лаҳзалар
10.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 103 - кисм.
10.55 «Ёшлар» телеканалида
11.00 «Семург»
11.15 «Эколаш». Энг зўр ўнталик
11.30 «ТВ-саёҳат» Кўҳна Кармана
11.40 Мусиқий лаҳзалар
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Ринг кироллари»
12.45 «Лаззат»
13.05 «Дунёга йўл».
13.25 «Рамаяна» Телесериал.
14.00 «Давр». Ахборот дастури. Махсус сони
14.10 «Бу мунис лаҳзалар»
14.30 «Талабалар шаҳарчаси»
14.50 Цирк, цирк, цирк
15.10 «О, ёшлигим»
15.30 Мусиқий лаҳзалар
15.40 «Ватан манзаралари»
16.00 «Ёшлик формуласи»
16.15 Компьютер-Азия
16.30 «Ёшлар» телеканалида
16.35 Синема: «Суюнчи»
17.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий кўрсатув
18.00 «Давр». Ахборот дастури. Махсус сони
18.15 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Катта танаффус»)
18.50 «Ақл ёшдамас»
19.05 Спорт хафтаномаси
19.25 «Синфдош»
19.50 «Сурур» Мусиқий дастур
20.00 «Давр» хафта ичида
20.40, 23.00 Эълонлар.
20.45 «Якшанбада кўришгунча»
21.05 «Кулгига нима етсин»
21.25 «Сиз севган хонандалар» Мусиқий дастур
21.55 «Олам футболи»
22.20 «Маслаҳат»
23.05-00.35 «Ўтган кунлар» Бадиий фильм

**ТВ**

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош» Мульттўплам.
10.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Саломатлик чоррахаси».
10.40 Болалар учун. «Уйинленд». Телеўйин.
11.05 «Нуроний». Маросимлар ҳақида ўйлар.
11.30 «ТВ ва театр».
12.00 «Пойтахт». Сайлов кундалиги.
12.15 Болажонлар экрани. «Кулол ва хумча».
13.30 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
13.45 «Бева Бланка» Телесериал.
14.30 «Пойтахт». Сайлов кундалиги.
14.45 «Туризм ҳақида».
15.15-16.55 Тақрорий фильмлар экрани. «Тақдир эшиги».
18.00 «Ойнаи жаҳонда».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «XXI аср авлодлари».
19.00 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.30 «Пойтахт». Сайлов кундалиги.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 12-кисм.
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.25, 21.10 Эълонлар
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ватанимни куйлайман» .
21.35 «Пойтахт». Сайлов кундалиги.
21.50 «Даллас».Телесериал.
22.40 «Етти иқлим оҳанглари».
22.55 «Яна кино ҳақида».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Кинонигоҳ. «Маҳаллада дув-дув гап».
00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

**4tv**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10:45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили).
11.30 «Бурҳлар башорати».
12.30-13.15 «Дўстлик» видеоканали.«Дидар», «Айчурек».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Тенгдошлар».
18.30 «Океан ортига саёҳат. Япония».
18.40 «Сайлов-99».
**РЖТ**
18.50 «КВН-99».
**ЎзТВ-IV**
21.00 Дил изҳори».
21.20 «Сайлов-99».
21.30 «Интернет ҳудуди».
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.00 Якшанба кинозали.Лаки страйк намойиш этади:»Рейтинглар ўйини».
23.50 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.20 Тунингиз осуда бўлсин!

**30 канал**

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телехамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Клип-совға».
12.00 Тушки кино.
14.05 «Киролича Марго». Телесериал.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Юлдузлар карвони». Марина Хлебникова.
17.35 «Жанговар санъат олами». Спорт дастури.
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба киноокшоми.
23.15 «Мак Гайвер». Телесериал.


**Диққат:**

**«Кўпкари — улоқ»**



*Бугун Навоий тумани маркази Исломободда катта чавандозлик сайили. У уч кун давом этади. Байрамона безатилган бу гўшада тонг саҳардан таралаётган карнайларнинг наъраси арғумоқларнинг пишқириб кишнашларига уланади. Халқимизнинг азалий ўйинларидан ҳисобланган «Кўпкари-улоқ» бу йилдан бошлаб ҳақиқий спорт мусобақасига айланди, қолаверса, халқаро мақом берилди. Бундан буён улоқчиларимиз Республика от спорти федерацияси тасарруфида бўладилар. Улоқ чопиш қоидаларига ҳам жаҳон андозаларига мос ўзгартишлар киритилди. Республика спорт қўмитаси, Навоий вилоят ҳокимлиги, от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан ўтказилаётган қизғин баҳсда халқаро от спорти федерациясининг вакиллари ҳам кузатувчи сифатида қатнашадилар. Мусобақага «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сардоба парранда» акциядорлик жамияти, вилоят спорт қўмитаси, электр тармоқлари бошқармаси, Навоий шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари ҳомийлик қилишмоқда. Ғолибларга битта «Тико» автомашинаси, 10 та рангли телевизор, шунча магнитафон, гилам ва бошқа совғалар мунтазир.*

**Чавандозлик сайилига марҳабо!**


21.05 «Сайловлар ва биз».Телекўприк.
21.45 «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.15 «Тараққиёт йўли».
**«Тунги ҳамроҳ»**
22.35 «Умид»сафарда.
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 103-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Уч плюс икки».Бадиий фильм.
02.00-02.